

**“2022-2026 йиллар учун мўлжалланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқиши” лойиҳаси бўйича техник топширик (ТТ)**

**Лойиҳа долзарблиги:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5708-сонли Фармонининг З-бандида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи меъёrlарини ишлаб чиқиши ва янгилаш алоҳида топширик сифатида белгиланган.

Ушбу вазифалар доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш соҳасига ҳам тааллуқли бўлиб, охирги 2-3 йилларда доривор экинлар етиштириладиган майдонларнинг кўпайтириши ҳамда бу соҳани ислоҳ қилиш, модернизация ва инновацион ривожланишини таъминлашга йўналтирилган қатор чора-тадбир ва меъёрий-хукукий хужжатларнинг қабул қилиниши, доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш соҳаси умум миллий даражасидаги масала эканлигини билдиради.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли эколандшафт ва ҳудудлар табиий-иклим шароитлари, тупроқ таркиби ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, доривор экинларини жойлаштириш ва ихтисослаштириш, уларни етиштиришда агротехнологик тадбирларни тўлиқ ўtkазилишини таъминлаш ва бу тадбирларда замонавий моддий-техника ресурслари, тежамкор ва интенсив технологиялар жорий этилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Аммо, доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштиришда қўлланаётган агротехнологик тадбирларни ҳисобга олган ҳолда замонавий, янгиланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқилмаганлиги натижасида агротехнологик тадбирларни тизимили, уйғунлашган ҳолда бажариш, мавсум давомида ҳар бир тадбир бўйича сарф-харажатлар миқдорини аниқлаш, режа бўйича ва ҳақиқатда кутилаётган сарф-харажатлар ҳамда даромадлар тўғрисида аниқ ҳисоб-китобларни олиб борилишида айрим номутаносиб ҳолатлар юзага келмоқда.

Мавжуд ҳолат қисқа вақт ичida 2022-2026 йиллар учун “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқилишини талаб қиласди.

Бундай намунавий технологик картанинг ишлаб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сонли Фармонида ва 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон қарорида белгиланган топширикнинг ижросини таъминлашга хизмат қиласди.

**Лойиҳа мақсади:** 2022-2026 йиллар учун мўлжалланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етишириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқиши.

### **Лойиҳа вазифалари:**

1. Минтақалар бўйича ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари, тупроқ таркиби ва бошқа хусусиятларини инобатга олинган ҳолда минтақа ва ҳудудлар кесимида 19 та турдаги (баргизуб, тирноқгул, мойчечак, арслонқуйруқ, қизилмия, оддий қора зира, итбурун наъматак, стевия, маккаи сано, ингичка баргли лаванда, сассиқ коврак, тожик ковраги, тиканли ковул, тукли эрва (пол-пола), седана, олаут (расторопша), валериана, экма заъфарон (шафран), арпабодиён) доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларни янгиланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етишириш бўйича намунавий технологик карталар”ни электрон ҳамда қофоз босма вариантини ишлаб чиқиши.

2. Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларни жойлаштириш ва ихтисослаштириш имконини берувчи ресурстежамкор ва инновацион технология ҳамда ёндашувларни инобатга олган ҳолда 19 та турдаги доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етишириш бўйича агротехнологик тадбирларни белгилаш, ҳар бир агротехник тадбирларни бажаришда хомашё, меҳнат ва моддий ресурслар сарфлари меъёрларини асослаш ва ишлаб чиқиши.

3. 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етишириш бўйича намунавий технологик карталар” бўйича тармоқ илмий-тадқиқот институтлари (масалан, Доривор ўсимликларни етишириш ва қайта ишлаш ИИЧМаркази, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ИТИ, Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ, “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази ёки унинг тизимидағи марказлар”)дан хуносалар олиши.

4. Электрон шаклдаги карталарни қўмита ва илмий-тадқиқот институтларининг веб-сайтларига жойлаштириш, доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етишириш соҳаси билан шуғулланаётган ихтисослшган давлат ўрмон хўжаликлари, доривор экинлар етишириувчи турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи агро-тадбиркорлик субъектларига, ОТМ, олимлар, тадқиқотчилар ва тадбиркорларга тақдим қилинади.

5. Янгиланган намунавий технологик карталарни қофоз ва электрон вариантда тайёрланиш. Технологик картанинг қофоз варианти тегишли вазирлик ва идоралар, хўжалик юритиши субъектларига буюртма асосида тақдим қилинади.

Тарькидлаш жоизки,

- яратиладиган намунавий картага ҳар йили нарх-навонинг ўзгариши, агротехнологик тадбирларда қўлланилаётган техника воситалари ва бошқа ресурсларни ҳисобга олиб, тегишли тўлдиришлар ва ўзгартиришлар киритиш имконияти яратилади;

- доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиширишда амалга ошириладиган агротехнологик тадбирларни бажарилиши,

моддий ва меҳнат ресурслари ва пул маблағлари сарфи ҳамда умумий самарадорликни аниқлаш имкони беради.

### **Лойиҳа техник параметрлари ва талаблар.**

#### **2022-2026 йиллар учун мўлжалланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқиш параметрлари ва талаблари.**

1. Минтақалар бўйича ҳар бир ҳудуднинг табиий-иклим шароитлари, тупроқ таркиби ва бошқа хусусиятларини инобатга олинган ҳолда минтақа ва ҳудудлар кесимида 19 та турдаги (баргизуб, тирнокгул, мойчечак, арслонкуйруқ, қизилмия, оддий қора зира, итбурун наъматак, стевия, маккаи сано, ингичка баргли лаванда, сассиқ коврак, тожик ковраги, тиканли ковул, тукли эрва (пол-пола), седана, олаёт (расторопша), валериана, экма заъфарон (шафран), арпабодиён) доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларни янгиланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни электрон ҳамда қофоз босма вариантини ишлаб чиқиши – июль-август 2022 йил.

2. Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларни жойлаштириш ва ихтисослаштириш имконини берувчи ресурстежамкор ва инновацион технология ҳамда ёндашувларни инобатга олган ҳолда 19 та турдаги доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича агротехнологик тадбирларни белгилаш, ҳар бир агротехник тадбирларни бажаришда хомашё, меҳнат ва моддий ресурслар сарфлари меъёрларини асослаш ва ишлаб чиқиши.

3. 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар” тармоқ илмий-тадқиқот институтлари – Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ИИЧМаркази, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ИТИ, Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ, “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази ёки унинг тизимидағи “Худудий иқтисодий таҳлил ва меъёрлаштириш марказлари” хулосалари билан асосланган ҳолда тасдиқланиши, доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштиришда амалга ошириладиган агротехнологик тадбирларни бажарилиши, моддий ва меҳнат ресурслари ва пул маблағлари сарфи ҳамда умумий самарадорликни аниқлаш имконини бериши лозим.

4. Намунавий технологик карталарни тайёрлашда ҳар бир доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимлик тури бўйича бажариладиган агротехник тадбирлар

сони, техкарталарни тайёрлаш учун сарфланадиган киши-кунлари, талаб этиладиган маблағ бўйича тегишли маълумот илова қилиниши лозим.

5. Қоғоз вариантдаги чоп этиладиган намунавий технологик хариталарнинг формати А-4, 80 гр., қоғоз, класс В, муқова А-3 форматда рангли, қаттиқ жилдли, 200 (икки юз) дона бўлиши талаб этилади.

**Лойиҳа сметаси.**

<b>т/п</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Суммаси, минг сўмда</b>
1.	Иш ҳақи	162716
2.	Иш ҳақига нисбатан ажратмалар 25%	40679
3.	Хизмат сафари	49238
4.	Чоп этиш харажатлар	26260
5.	Кузда тутилмаган харажатлар	6546
6.	Устама харажатлар	42816
	<b>Жами шартнома суммаси</b>	<b>328255</b>